

УЎК (УДК, UDC): 809.1001/2  
DOI: 10.36078/ 1570171164

## ШАРЛЬ ОГЮСТЕН ДЕ СЕНТ-БЁВ — БИОГРАФИК МЕТОД АСОСЧИСИ



**Ободон Истамовна АДIZОВА**  
Филология фанлари буйича фалсафа  
доктори(PhD), доцент  
Немис ва француз тиллари кафедраси  
Бухоро давлат университети  
Бухоро, Ўзбекистон  
[adizova.buxdu@mail.ru](mailto:adizova.buxdu@mail.ru)

### Аннотация

Ушбу мақолада адабиётшуносликда биографик методнинг шаклланиши, тараққиёт жараёни ва хусусиятлари ҳақида сўз боради. XIX аср ижтимоий-сиёсий, маданий-тарихий, илмий-адабий муҳитига хос фалсафий-психологик қарашлар, ўша даврда яшаб қалам тебратган ижодкорлар илмий-ижодий фаолияти, адабий-эстетик дунёқарашлари ҳақида фикр юритилган. Француз танқидчиси Сент-Бёвнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилган, унинг биографик усулдан фойдаланиш маҳорати ёритилган.

**Калит сўзлар:** биографик усул; бадиий образ; бадиий; илмий; мавзу; ғоя; ҳаёт; бадиий талқин.

## ШАРЛЬ ОГЮСТЕН ДЕ СЕНТ-БЁВ — ОСНОВАТЕЛЬ БИОГРАФИЧЕСКОГО МЕТОДА

**Ободон Истамовна АДIZОВА**  
Доктор PhD, доцент  
Кафедра немецкого и французского языков  
Бухарский государственный университет  
Бухара, Узбекистан  
[adizova.buxdu@mail.ru](mailto:adizova.buxdu@mail.ru)

### Аннотация

В статье рассматривается формирование, процесс развития и своеобразие биографического метода в литературоведении, а также приводится информация об общественно-политической, культурно-исторической, научно-литературной среде XIX века, философско-психологических взглядах, научно-творческой деятельности, литературно-эстетическом мировоззрении творцов, живших в то время. Изучена жизнь и творчество французского критика Сент-Бёва, рассмотрен его опыт использования биографического метода.

**Ключевые слова:** биографический метод; образ; литературный; научный; тема; идея; жизнь; художественная интерпретация.

## CHARLE OGOUSTINE DE SAINTE-BEUVE IS A FOUNDER OF BIOGRAPHICAL METHOD

**Obodon Istamovna ADIZOVA**

Bukhara state University  
German and French Languages Department  
Doctor of Philosophical Sciences (PhD)  
Bukhara, Uzbekistan  
[adizova.buxdu@mail.ru](mailto:adizova.buxdu@mail.ru)

### Abstract

This article analyses the formation, process of development and specific peculiarities of the biographical method in literary criticism. It describes both peculiar philosophic–psychological views of XIX century and political cultural historical scientific–literary circumscription. Moreover the article reviews writers scientific-creative activity of that time and their literary aesthetic outlook.

The article deals with the mastery of the use of biographic method in understanding the works Sainte-Beuve.

**Keywords:** biographic method; character; literary; scientific; topic; idea; life; artistic interpretation.

Адабиётшуносликда биографик тадқиқ усулидан фойдаланиш жиддий адабий муаммони тарихан тўғри, адолатли ечишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки у орқали ёзувчиларнинг сирли ўтмиши аёнлашади. Улар яратган асарларнинг жанрий, ғоявий хусусиятлари янада ёрқинлаштиради. Биографик метод ўтмиш адабий ҳаёт босқичларининг хусусиятлари, маълум бир тарихий хотира фикрлаш фаолиятимизда намоён бўлишига замин яратади. Биламизки, “ёзувчи биографияси” деган тушунча машҳур шахсларнинг ҳаётини баён этувчи жанр сифатида Антик адабиётда вужудга келди. Умуман олганда, ёзувчи ҳам машҳур тарихий-сиёсий шахслардан фарқ қилмайди, чунки у ўз асарлари туфайли абадий яшайди. Бу борада яна у ақл-идрок соҳиблари бўлмиш олим ва файласуфлар билан бир мақомда туради. Шунинг учун ёзувчиларнинг шахс ва ижодкор сифатидаги хусусиятларини, уларнинг шоир ё адиб сифатида шаклланишига туртки бўлган омилларни, яратган асарларида ўз-ўзини оддий инсон кўринишида намоён эта олиш истеъдодини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Биографик метод ёзувчи эмас, тадқиқотчи-олим иш юритадиган йўл, усулдир. Аниқроқ айтганда, у бадий ижод қилиш йўли эмас, балки яратилган бадий асарни ўрганиш йўлидир. Шунинг учун у орқали бадий асар яратган муаллифларнинг ҳаёти, биографиясига оид муҳим маълумотлар махсус ҳикоялар кўринишида эмас, балки ўша муаллифга алоқадор

асарлардаги айрим сўз, жумла, факт орқали тадқиқотчилар томонидан аниқланиб, таништирилади.

Олимларнинг фикрича, муаллифларга қараганда уларнинг бадиий ижодини танитиш йўллари излашга, у ёки бу синфга ажратиш ва таснифлашга бўлган эҳтиёж ёзувчиларнинг ҳаётини баён этувчи матнлар яратилишига уринишни келтириб чиқарган. Шу мақсад билан шаклланган контекстлар эса биз учун бебаҳо исбот, далил бўлиб хизмат қилади.

Қадимда нимадандир бахтсиз бўлган ижодкорларнинг ҳаётлари баёнига алоқадор маълумотларни тўплаш ёзувчилар биографиясини ёзишга бўлган дастлабки сабаблардан биридир. Яна шуни асосли тарзда айтиш мумкинки, Антик давр тарихчилари ижодкорларнинг ижтимоий ҳаётини қайта тиклашга бефарқ эмас эдилар; фақатгина кейинги олимлар уларнинг изланишлари самарасини тўғри баҳолай олмаганлар. Сюэтон муаллиф шахсий ҳаётининг кичкина деталларини келажак авлодга етказиш намунасини келтириб ўтган эди. Бу каби қадимий модел эса ўша ондан бошлаб эътиборга тушди, лекин лозим бўлган даражада инобатга олинмади. Буни Данте мисолида яққол англаш мумкин. Олим таъкидлаганидек: “Унинг ҳаётида ўзига хос барқарорликни кўришга мажбурмиз. Тақдирнинг ҳар бир муруввати у учун янги бир бахтсизликнинг белгиси эди. Унинг судья унвонига муяссар бўлиши мусибатларининг бошланишига сабаб бўлди; Папа хузуридаги вазифаси уни хонавайрон қилди: унга топширилган янги вазифа унинг ўлимига олиб келди” (1, 78).

XIX асрнинг биринчи ярми француз илмий-адабий муҳитида бадиий ижод намунасини биографик метод асосида ўрганиш сари дадил қадам ташланди. Аниқроғи, Сент-Бёв ижодкорга ва у яратган асарга, албатта, оилавий муҳити, ижтимоий шароити ва ҳолати, яқинлари билан муносабати, атроф-муҳити, диний қарашлари, табиатга муносабати, шахсий ютуқ ва камчиликлари, ожиз томонлари, касаллиги, орзу-интилишлари ва бошқалар таъсир кўрсатишини ўз тадқиқотлари орқали асослаб берди. Натижада олимнинг бу борадаги қарашлари акс этган “XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори” (1828), “Адабий портретлар” (1836–1839), “Душанба кунларидаги суҳбатлар” (1851–1862), “Янги душанба кунлари” (1863–1870), “Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи” (1861) китоблари кўпчилик эътиборига тушди. Шу асосда Сент-Бёв биографик методнинг назарий асосчиси сифатида тан олинди. Бироқ бу тадқиқ усулининг илдизлари жуда қадимга бориб такалади.

Адабиётшунослик илмида азалдан биографик методга хос хусусиятлардан фойдаланиб келинган.

Европа ижтимоий муҳитида Уйғониш даврига келиб, инсон тасвири ва талқини ўзаришга юз тутгани маълум. Шундан сўнг инсон моҳиятан яратик эмас, балки яратувчи ҳам экани асослана бошланди. Адабиётда инсонпарварлик тарғиби кучайиб, ҳатто бу асосий йўналишга айланди. Архаик адабиётда маъбудлар бошқарувида талқин этиб келинган инсон образи Уйғониш даври адабиётида эксцентрик тадқиқ объекти мақомини эгаллади. Энди барча нарсалар: борлиқ ва мавжудот, воқелик ва ҳаракат, макон ва замон кабилар инсоннинг шахсиятига боғлаб талқин этила бошланди. Одамзотнинг борлиққа таъсир кўрсата олиш кудрати, унинг ақл-заковати, қўл кучи билан яратилган предметлар (кема, тўп, милтиқ сингари), маконлар (қалъа, саройлар) тасвири ва тарғиби бадиий асарларда етакчи ўрин эгаллай бошлади.

Сент-Бёв 1829 йил биринчилардан бўлиб илмий салоҳиятлилар тўғрагини очган ва қобилиятли ижодкор ёшлар билан ишлаган. Улардан ижодкорлар гуруҳини тузиб, “Шарль Огюстен де Сент-Бёв Биографик мактаби”ни ташкил этган. Шунинг таъсирида у 1829 йилдан бошлаб “Ревю Париж” журналида илк адабий портретларини чоп эта бошлаган.

Сент-Бёв 1832 йилдан адабиётда портрет жанри устида ижод қилишда фаоллик кўрсатди. Унинг дастлабки илмий тадқиқоти айнан фалсафий мавзуда бўлиб, “Барҳаёт руҳ ҳақида” деб номланади. Шундан сўнг олим Корнель, Буало, Лафонтен ва, айниқса, романтизм адабиётининг қатор вакиллари ҳақидаги адабий портретларини бирма-бир эълон қила бошлади. Кейинчалик эса уларни жамлаб, “Адабий портретлар” номи билан тўплам ҳолида нашр қилдирди. Унда муаллиф: “Мени ҳар доим хатлар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг ўзига хос турли фазилатлари, маънавий-руҳий қиёфаси, бир сўз билан айтганда, машҳур ёзувчиларнинг биографиясини ўрганиш ўзига жалб этиб келди”, — дея алоҳида таъкидлайди (2,113).

Сент-Бёв бу йўналишда “Адабий танқидий портрет” (“*Critiques et portraits litteraires*”, 1832–1836), “Адабий портретлар” (“*Portraits litteraires*”, 1862–1864), “Замонавий портретлар” (“*Portrait contemporains*” 1869) каби асарларини яратди ва уларда ёзувчилар ижодини таҳлил қилди.

Шарль Сент-Бёвнинг “XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори” китоби ўрта асрлар француз адабиётини, XVI аср поэзиясини, унинг Корнель, Расин, Буало, Мольер, Лафонтен сингари

мумтоз намояндалари, XVIII аср ёзувчиларидан Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо; XIX аср қалам аҳлидан Шатобриан, Гюго, Мюссе, Жорж Санд ва Флобер ижодини тадқиқ этгани жиҳатидан диққатга сазовордир. Олим ўз китобида бу ижодкорларнинг биографияси билан ижодий фаолиятига дахлдор маълумотларни синтезлаштириб, бир бутунликда талқин қилгани кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Яна унинг замондоши В.Гюгонинг “Ода ва балладалар” тўпламига доир жиддий тадқиқотлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Ҳаётда Сент-Бёв ва Виктор Гюго яқин дўст бўлишгани айтилади. Демак, Виктор Гюго Сент-Бёвнинг ўзига хос тадқиқ усулидан хабардор бўлган ва уни қўллаб-қувватлаган. Буни эса адибнинг қуйидаги фикрларидан билса бўлади: “Адабиётшунослар тез кунларда ёзувчиларни ғайритабиий, санъатга зид қоидалар нуқтаи назаридан текширмаслик кераклигини англайди. Улар ижодкорни санъат табиатига мувофиқ қонунлар ҳамда ҳар бир ижодкор шахси билан боғлиқ тарзда текшириш лозимлигини ҳис этади” (3, 174).

В. Гюго томонидан айтилган бу фикрлар шунчаки тасодиф эмас эди. Негаки, XVII–XVIII асргача бадиий асарга муайян “адабий қоидалар” орқали муносабатда бўлинган. Романтизм даврига келиб эса, бу адабий-назарий қоидалар бироз ўзгариб туриши ҳақида фикрлар майдонга ташлана бошланди. Шундай фикр ва қарашга келган инсонлардан бири француз адиби Виктор Гюго бўлди. У ва бошқа француз романтиклари, адабиётчи ва тарихчиларининг бундай эътирофидан англашиладики, бадиий асарни биографик метод асосида ўрганиш зарурати ўша даврдаёқ кун тартибига келиб қолган эди.

Биографик танқидчилик ва унинг тарихи қадимий ёки анъанавий деб аталувчи танқидчиликдир. У янги танқидчилик пайдо бўлгунига қадар ҳам мавжуд эди ва адабий танқидчиликни жанр ва бадиий асарларни таҳлил қиладиган бир соҳага айлангандир.

Сент-Бёвнинг фикрича, ёзувчи ва унинг асари ўртасида умумий боғлиқлик бўлиши лозим. Ёзувчининг билимлари, фикрлари унинг асари яхши қабул қилиниши учун жуда муҳимдир. Бирор-бир ёзувчининг фикрларини англаш ва объектив баҳолаш учун унинг шахсини ва қандай инсон эканлигини билиш муҳимдир. Сент-Бёв бадиий асарнинг мағзида ўрганиш лозим бўлган қалб, эътиқод, бахтли ёки бахтсиз ҳиссиётлар бор деб ҳисоблайди. Унингча, бадиий асар тайёр риторика (дабдабали нутқ)ни

қўллаш орқали эмас, аксинча, истеъдод бағрида, самимий ва оддий ижоддан дунёга келиши лозим.

У бир мақолада шундай ёзади: “Мен ҳар доим ёзишмалар, суҳбатлар, ғоялар, инсон характеридаги барча деталлар, феъл-атвор, биография, бир сўз билан айтганда, буюк ёзувчиларни яхши кўрганман; айниқса, мен айтаётган биография бошқа бир ёзувчи томонидан тузилмаган (ёзилмаган), бу борада ҳар кимнинг ўз сўзи бўлса. Бирор-бир машҳур марҳум муаллиф, шоир ёки файласуфнинг ёзмалари билан икки ҳафтага қулфланиб оласан; уни ўрганасан; уни қайта жойига қўясан, бўш вақтингда у ҳақида яна қайта бош қотирасан, олдинга қўясан; бу деярли ўн беш кунни тоғ ён бағридаги қишлоқда Байрон, Скотт, Гётенинг портретини чизиш ёки ҳайкалини яшаш билан ўтказганингдек; бунда яратган намуналарингдан ўзингни мамнун ҳис қиласан ҳамда улар билан ўзингни юзма-юз ҳис қилишинг сенга қандайдир яқинлик бахш этади” (4, 11).

Ёзувчиларнинг кундалик ҳаётдаги фаолиятларини ўрганиб туриб, Сент-Бёв уларнинг бадиий ижоддаги чеҳрасини топишга ҳаракат қилди. Олимнинг француз адабиётшунослигини ривожлантиришдаги уринишлари у тенгсиз йўлбошчиси бўлмиш адабий танқидчилик тарихининг муҳим босқичини белгилаб берди.

Сент-Бёв ҳар қандай тарихий давр силсиласида муайян ижодкорнинг ўрнига урғу берди. Унинг маълум бир давр адабиёти ёки унинг алоҳида бир тури (ё шеърят, ё наср, ё драматургия каби) тарихий тараққиётида индивидуал ўрин эгаллашини асослади. Олим бундай тарихий-бадиий муаммолар талқинида ўзига хос индивидуал таҳлил тамойилига таяниб иш юритди.

Сент Бёвнинг журналистик фаолияти 1849 йилдан бошланган ва у 20 йил давом этган. Унга Парижнинг “Конститусионел” газетаси муҳаррири Л.Д. Верон газета учун мақола, очерк, этюдлар ёзишни таклиф этади. Улар ҳар ҳафта душанба куни чоп этилиб борилган (1851–1862). Кейинчалик Сент-Бёвнинг “Конститусионнель” журнали билан қилган ижодий ҳамкорлиги натижаси ўлароқ чоп эттирган материаллари 15 жилддан иборат бўлиб, улар “Душанба ҳангомалари” (“Causerie du lundis”), 13 жилдлик “Янги душанба” (“Nouveaux lundis”) номи билан тўплам кўринишида нашр этилган. Уларда муайян адабий-тарихий даврлар ҳамда алоҳида файласуф, ёзувчи, шоирлар ижоди хусусида сўз юритилган.



Хуллас, замонасиниг ўткир адабий танқидчиси Сент-Бёв ўзининг талаб ва қоидалари билан илм-фан ўчоғининг узок тарихини санъат даражасига кўтарди. Адабий асарлар Сент-Бёв ижодининг ажралмас қисми бўлиб, унинг методи авторнинг биографиясидаги майда-чуйда элементларигача синчковлик билан ўрганиш — генеологияси, оилавий муҳити, маълумоти, ташқи кўриниши, севги ва муҳаббат муносабатлари, иқтисодий аҳволи, юмшоқ табиатини батафсил кўрсатиб беришни тарғиб қилди.

Шарль Огюстен де Сент-Бёвнинг таъкидлашича, танқидчилар айнан ёзувчилар шахсини кўрсатиши керакки, “...уларнинг такрорланмас характерли томонлари, айниқса, алоҳида хусусиятини кўрсатиш лозим. Унда “ёлғондакам ўхшатишга”, яъни бир хилликка йўл қўймаслик керак” (5, 246). Сент-Бёв тадқиқотларида муайян шаклга кирган биографик метод кейинчалик унинг қатор издошлари томонидан давом эттирилди, ривожлантирилди. Хусусан, “Адабиёт тарихига кириш” (1848) асарининг муаллифи Лакомб, “Адабиётни илмий тадқиқ этиш усуллари” (1900) асари муаллифи Ренар, ўтган асрнинг 20-60-йилларида биографик метод муаммолари билан шуғулланган Макс Верли, Виктор Жиро, Вальтер Мушг, Д.Штолниц ва бошқа қатор олимларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Биографик методдаги асарларнинг илмий ва маънавий аҳамияти беқиёс, салмоғи ҳайратланарли даражададир. Сент-Бёв бу каби барҳаёт ва қудратли заҳматга асос солди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Louis Arnould. La méthode biographique de critique littéraire et Sainte-Beuve. Extrait de correspondant. (V-e) II. — Paris: Oudin, Éditeur, 1904. — 78 p.
2. Sainte-Beuve C. A. Causeries du lundi. — Paris, 1857. — 113 p.
3. Sainte-Beuve C. A. Étude sur Virgile. — Paris, 1857. — 174 p.
4. Sainte-Beuve C.A. Au seuil de la modernité. — Paris, 2002. — P.221–256.
5. Sainte-Beuve C.A. Chateaubriand jugé par un ami intime en 1803. — Paris, 1865. — Paris. — 246 p.

#### REFERENCES

1. Louis Arnould, *La méthode biographique de critique littéraire et Sainte-Beuve* (The biographical method of literary criticism, and Sainte-Beuve), (V-e) II. Paris: Oudin, Éditeur, 1904, 78 p.
2. Sainte-Beuve C. A., *Causeries du lundi* (Monday meetings), Paris, 1857, 113 p.
3. Sainte-Beuve C. A., *Étude sur Virgile*, (Study on Virgil), Paris, 1857, 174 p.
4. Sainte-Beuve C. A. *Au seuil de la modernité* (At the threshold of modernity), Paris, 2002, pp. 221–256.
5. Sainte-Beuve C. A., *Chateaubriand jugé par un ami intime en 1803* (Chateaubriand judged by an intimate friend in 1803), Paris, 1865, 46 p.